







## ЭНГ УЛУҒ АМАЛ

**Аввало, шундай жаннатмакон ўлкада туғилиш, буюк аждодларнинг ворис ва давомчилари бўлиш катта саодат. Қолаверса, жамиятимизда аёлларга, хотин-қизларга кўплаб ижтимоий кўмаклар бериляпти, уларнинг кадр-қиммати ҳар кунгидан баланд.**

Бунинг сабаби оддий. Биз таракқиётга эришмоқчи бўлсак, буни амалга оширувчи авлодни аёл тарбиялаб беради: улар она, рафика, буви, ўқитувчи, ҳуқуқ ҳимоячиси, хола, амма, қайнона сифатида бир йигитни кўллаб-қувватлаб, жамиятга тарбиялаб беради.

Ўзбек фарзандлари оналарини бахтли қилиш учун ҳар ишга тайёр! Меҳрибон, фидойи аёлларимиз она ва рафика сифатида йигитларга шижоат бера олади. Йигит киши, умуман, фарзанд тарбиясида Мунис оналаримизнинг ўрни жуда ҳам катта.

Шу ўринда, келинлик мақоми ҳақида тўхталмоқчиман, чунки аёл киши борки, бари деярли шундай бахтга мушарраф бўлган. Бизда келин масаласига алоҳида эътибор берилади. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Билган кишига келинлик мартабасининг ўзига хос масъулияти борлиги англашилади. Ўзбекчиликда оила муқаддас ҳисобланади. Бунинг ўзига хос оғир ва энгил тарафлари бор. Келинлик масъулияти, эр ва қайнона хизматидан емас, ундан ҳам улуги, авлод тарбияси билан боғлиқ. Шу маънода, ота-боболардан қолган насиҳатларга жиддий амал қилиш лозим. Яъни келин олганда етти пуштини сўраб-суриштириб кейин уйлантиринг дейилади. Чунки келин ўзи келадиган оиланинг асосига айланади. Шу оила-

нинг фарзандларини тарбия қилади. Ё сулолани бир неча поғона юқорига кўтаради ё ерга уради, бу келувчи келиннинг тарбияси, дунёқароши, виждонига боғлиқ.

Бу борада давлатимиз хотин-қизларнинг илм-маърифатли бўлиши учун алоҳида қабул квоталари белгилади. Жорий йилда яна талаба-қизларнинг контракт пулларини тўлаб бериш бўйича имтиёзлар яратилди. Аёл ўқишмишли бўлса, у тарбиялаган фарзанд, албатта, маърифатли, маданиятли бўлади.

Бунинг учун мамлакатда йилдан-йилга кўп имкониятлар яратилмоқда. Хотин-қизларнинг таълим олиши ва илмий фаолият билан шуғулланишига алоҳида эътибор берилмоқда. Агар она илмли бўлса, у тарбиялаган фарзанд олиму фузало бўлади. Бола инсон сифатида шаклланишнинг асосий босқичида она муҳитида бўлади.

Мамлакат, миллат таракқиёти оналар кўлида. Чунки Президентни ҳам, ўқитувчини ҳам, ихтирочини ҳам, афсуски, ўғри, жиноятчи, террористни ҳам она тарбиялайди. Бугун қайси соҳада ким юксак натижани қўлга киритаётган бўлса, у инсоннинг ортида бир меҳрибон она ва бир оқила рафика турибди.

Мамлакатнинг ҳар бир ютуғи оналарнинг саяҳатлари, меҳр-муҳаббати мевасидир. Шахмат бўйича жаҳон чемпиони бўлган югитнинг она-

сидан интервью олишганда “фарзандим машғулотлардан қолиб кетмасин, деб ҳеч қаерга чиқа олмадим”, деган эди.

Ўзбек оналари фидойилик намунасидир. Оналар қакнусга ўхшайди. Ўзларининг орзу-ҳавасларини, ёшлиқларини, гўзалликларини фарзандлари учун қурбон қилади. Бу “қурбонлик”лар ҳеч қачон бесамар кетмайди. Олимпиада чемпиони Баҳодир Жалоловнинг онаси у голиб бўлган куни интервью берганида: “Ўғлим менга она, мен, албатта, жаҳон чемпиони бўламан. Сизни бахтиёр қиламан, деб ваъда берганида, у ваъдасидан чикди”, деган эди.

Оналар муваффақиятларимиз сабабчиларидан. Болалигимиздан биз ҳақимизда қайғурадиган инсон, бошқалар хафа бўлиб узоқлашиб кетиши мумкин, аммо она бизни энг қийин кунда ҳам тарқ этмайди. Гуруч қурмакисиз бўлмайди. Айрим меҳрсиз аёллар ҳам бўлади. Шундай бўлса-да бола учун у барибир она. Чунки яхши-ёмонми дунёга келтирган. Оналик бу, юксак мақом ва олий туйғу.

Миллат тарихида сув лойқаланиб яна тингани каби турли даврлар бўлган. Бу ҳақда жадидларимиз жуда ҳам қайғурган чунки, аёл, она саводсиз бўлган жамиятда илм-маърифат ривожланиши қийин. Шунинг учун, ўз даврида “Ўқинг, оналар”, “Мақтаб” сингари хотин-қизларни илм олишга ундашлар бўлган. Аммо узоқ ўтмишда, айниқ-

са, Темурийлар даврида аёлларнинг таълим олишида катта эътибор берилган ва ҳурмат-иззат қилинган. Мирзо Улуғбек ва бошқа шахзодаларнинг оламшумул натижаларга эришишида сарой хонимларининг буюк хизмати борлигига тарих гувоҳлик беради.

Захириддин Муҳаммад Бобур шоҳ ва шоир сифатида улкан натижаларга эришишида, Амир Темурнинг зафарли юришлари ва давлатни одил идора этишида рафикаси Сароймулкхоним каби маликаларнинг ҳиссаси қанчалик аҳамиятли бўлгани кўпчиликка маълум!

Ёки Саид Аҳмад ва Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбекларнинг ижодига ижод қўшган истеъдодли ижодкорлар Саида Зуннунова ва Зарифа Саидносирова-ларнинг турмуш ўртоқларининг турли вазиятларида садокат билан уларга таянч бўлгани катта ҳаётий ибрат намунаси бўла олади. Зарифа опанинг Ойбек фалаж бўлиб гапира олмай, ёза олмай қолганда унга қўл ва тил бўлиб, буюк асарларни дунёга келтиришга ҳисса қўшганига ўтмиш гувоҳдир. Ёки Саид Аҳмад тухмат билан қамалганда Саида опанинг бир ўзбек аёли, садокат тимсоли сифатидаги матонатини сўз билан таърифлаб бўлмайди. Зеро, аёллик, оналик энг улуг амалдир.

Муқаддас манбаларда оналар оёғи остида жаннат башорат қилинган бўлса, бу дунёда миллат, давлат, жамият тақдири ҳам оналар кўлида. У рафика сифатида турмуш ўртоғини, она сифатида фарзандларини, келин сифатида ўзи мансуб бўлган оила шажарасини муносиб давом эттиришдек улкан масъулиятни елкасига олиб ҳаёт кечиради.

**Ғофир ҲАМРОЕВ,**  
педагогика фанлари бўйича  
фалсафа доктори

## ГАЗЕТАЛАРНИ ЎҚИМАЙ САФСАТА СОТМАНГ

### ёхуд ўқиса, арзийдиган газеталар хусусида

**Ҳар бир газетхон аввалига қайси нашрга обуна бўлишни ўйлайди. Ва бир фикрга келгач унга обуна бўлади. Газетанинг мақолалари билан танишмаган ўқувчи ҳозир мен мактамоқчи бўлган нашрни қаердан билсин.**

Яқинда қўлимга “Жамият” газетасининг 2021 йилдаги охириги сони тушди. Ишонасизми ёки йўқ билмадим, мен бошидан охиригача ҳамма материалларни ўқиб чиқдим. Дилимдаги гаплар ёзилгани учун чарчамай ҳаммасини ўқидим ва рости ҳайратга тушдим. Журналист, бошқача айтганда бош муҳаррир сифатида ҳозир ҳам кўплаб бош муҳаррирлар орзу қиладиган даражага кўтарилибди. Нега дейсизми? Биз нашрнинг ҳар сонидан албатта битта “мих” материал бўлиши учун курашардик., иккита бўлса, севинчдан дўппимизни осмонга отардик. Ҳозир ҳам ҳамма газета ва журналларнинг раҳбарлари шундай орзу билан ишлайди. Аммо бугун газета ўқимай улар хусусида сафсата сотадиганлар кўпайиб кетди.

Газетани қўлимга олиб, қайси мақолани ўқий деб варақлай туриб ҳайратга тушдим. Деярли ҳамма мақолалар “мих” десам ишонинг. Мана Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, ажойиб устоз ва бағрикенг инсон Абдусайд Кўчимовнинг “Дарёларга туташ дарёлар” деган чиройли сарлавҳали мақоласи. Ўзимга ёққан ҳамма фикр ва рақамларнинг тагига чизиб қўйиш одатим бор. Ўқиб бўлиб қарасам чизилмаган сатр йўқ. Мана бу мақола ҳақиқий “мих” мақола деб хурсандчилик билан кейинги саҳифаларни ўқий бошладим. “Театр – томошабин билан тирик” сарлавҳаси остидаги катта мақолани ҳам худ-

ди шундай роҳатланиб, ҳамма фикрларга қўшилиб, ҳар бир сатри остига чизик чизиб чиқдим.

Алижон Андакулов деган азаматнинг бу мақоласи ҳам менга ёқди. Бу ҳам “мих” мақола эди. Кейинги мақола сарлавҳасини ўқидим. “Ўз юртимда бегона эдим”. Бунда Нуриддин Убайдуллаев деган барака топгур журналист кечаги кун изтиробларини қаламга олган. Бу мақола ҳам юқоридегидек, мени қувонтирди. Кўзим чарчади, аммо мақолаларни ўқишдан чарчаганим йўқ. Бироз туриб яна саҳифаларни очаман, Дилбар Махмудованинг “Оламини

### Муштарий фикри

забт этган дўмбира”си, Ҳалим Саидовнинг “Бехбудий ҳамон безовта”, Муроджон Раҳматовнинг муҳокама учун тайёрлаган “Бизга бўлаверадими?” битигини ўқиб яна бироз тўхтадим. Нафасимни, қалбимнинг ҳайқириғини сал босиш учун бир пиёла чой хўплаб Ўзбекистон миллий метрология институтининг директори Лазизбек Саидориповнинг “Аниқ ўлчов – сифат гарови”ни, Зухриддин Исомиддиновнинг “Ўзбек тилида” эмас, Ўзбекча!” мақоласини маза қилиб ўқидим.

Ўзимга ҳам, кўзимга ҳам ишонмайман. Битта газетанда шунча “мих” материал бўлишига ишонмаган бўлардим. Аммо олдимда шу мақолалар “мени ўқи”

деб турибди. Чарчоқ ҳам қолди. Кейинги саҳифада Тўра Муроднинг “Чаплинни менсимаган режиссёр” мақоласи. Буни ўқимаса бўлмайди, деб тезгина маза қилиб ўқидим. Айтсам, айтадиган гапларим кўп. Ўқувчи сифатида маза қилган бўлсам, собиқ бош муҳаррир сифатида ҳайратга тушганимни сўз билан ифода этолмайман. Балли! Таҳририят ходимларига ўз раҳматим ва миннатдорлигимни айтгим келди.

Ачинарлиси, “Жамият” газетаси бугун 1500 нусхада чиқмоқда. Муассислар эса нуфузли: Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоцияси ҳамда Савдо-саноат палатаси. Умид қиламизки, бу муассис ташкилотларнинг раҳбарлари бир бор бағрикенглик қилишса, газета адади кўпминг нусхада чиқади. Ҳаракат газета жамоасидан, баракат эса муассислардан.

**Тўлқин МУҲИДДИН,**  
кекса журналист





**Аёлнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва роли ҳамиша муҳим мезон бўлиб келган. Зотан, ҳар қандай давлат ва жамият тараққиёти бир қатор омиллар асосида ривожланади. Ижтимоий-сиёсий жараёнларда хотин-қизларнинг иштироки, ҳуқуқ ва эркинликлари масаласини давлатлар ривожининг ҳамда демократиянинг муҳим омили десак, муболаға бўлмайди.**

Ҳар қандай ижтимоий тузилма асосида аёлларнинг репродуктив имкониятлари билан бир қаторда, янги авлоднинг шаклланиши ва ривожланишида ҳам уларнинг ўрни бекиёс. Жамиятда хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлашнинг асосий принциплари мавжуд бўлиб, булар: қонунийлик; демократизм; хотин-қизлар ва эркаларнинг тенг ҳуқуқлилиги; жинс бўйича камситишга йўл қўйилмаслиги; очкилик ва шаффофик ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг давлат ва жамият сифатидаги тараққиёти силсиласида аёлларнинг ўрни, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти алоҳида аҳамият касб этади. Демократик ислохотлар бошланишида гендер масаласи ва аёлларнинг жамиятдаги роли нақадар муҳим экани 1991 йилдаёқ алоҳида давлат тузилмаси – Хотин-қизлар кўмитаси шакллантирилиши билан яна бир бор ўз тасдиғини топди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ижтимоий аҳволини яхшилаш масалаларига қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2 тадан фармон ва қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 6 та қарори ва 4 та фармойиши қабул қилинди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги глобаллашув жараёнида янги авлоднинг ҳар қандай шароитга нисбатан фаол фуқаролик позициясини шакллантириш масаласида хотин-қизларнинг ўрни ва роли ҳар қачонгидан муҳим. Шу боис, бугунги ислохотларнинг асосий мазмуни ҳам хотин-қизларнинг янги ғоя ва ташаббуслар билан чиқишларини қўллаб-қувватлаш, мамлакатимизда амалга ошириладиган ислохотлар, ўзгаришлар ва ижтимоий-сиёсий жараёнларда уларнинг фаол иштирок этишларини таъминлашдан иборат.

Жамиятда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш масаласи давлат сиёсатининг асосий ва устувор йўналишлари қаторида алоҳида белгиланганига, бу борадаги қонун ҳужжатлари ва давлат дастурлари орқали ҳам гувоҳ бўлиб турибмиз. Чунончи, 1998 йилда қонунчиликда оила муносабатларини тартибга солиш алоҳида Оила кодекси қабул қилингани бу йўналишда бошланган ишларнинг давоми бўлди.

Шунингдек, сўнгги йиллар Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларнинг жамиятдаги ролини кучайтириш, оила институтини қўллаб-қувватлашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш ишлари янги босқичга кўтарилди. Ўзбекистон Республикаси хотин-қизларни ҳар қандай камситиш ва таҳқирлашлардан ҳимоя қиладиган барча йирик халқаро ҳужжатларга қўшилди.

Хусусан, “Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Женева Конвенцияси, “Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида”ги ҳамда “Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисида”ги Нью-Йорк Конвенциялари, “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг трансмилий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенциясини тўлдирувчи одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги” Баённомаси шулар жумласидандир.

Мамлакатимизда “Хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ҳамда им-

кониятлар кафолатлари тўғрисида”, “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида”ги Қонунлар қабул қилинди ҳамда Оила ва Меҳнат кодексларига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-

## ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ – ДАВЛАТ СИЁСАТИ МАРКАЗИДА

лиси Сенати раиси Танзила Нарбаева бошчилигида Республика хотин-қизлар жамоатчилиги кенгаши тузилди. Шунингдек, Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси ҳамда Олий Мажлис Сенати ҳузурида Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси ташкил этилди. Соҳадаги ислохотлар мамлакатимизнинг халқаро рейтинглардаги ўрнига ижобий таъсир кўрсатиб, Жаҳон банкининг Аёллар, бизнес ва қонун индексиди Ўзбекистон 2020 йилда хотин-қизлар ҳуқуқлари ва гендер тенглик бўйича аҳамиятга молик ислохотларни амалга оширган 27 та давлат қаторига кирди ва 5 поғона юқорилаб, 190 та давлат орасида 134-ўринни эгаллади.

Маълумки, БМТ Бош Ассамблеясининг 2015 йил сентябрь ойида Барқарор ривожланиш бўйича ўтказилган саммитидаги 70-сонли резолюцияси асосида мамлакатимиз учун долзарб ҳисобланган 16 та миллий мақсадга эришиш бўйича 125 та вазифа белгиланди. Хусусан, барқарор ривожланиш соҳасидаги 5-мақсад Гендер тенгликни таъминлаш ва барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш мамлакатимизда хотин-қизлар ва эркаларнинг тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларини таъминлашга қаратилган ислохотлар билан ҳамохандир.

Ушбу мақсадни амалга ошириш доирасида 9 та вазифа белгилаб олинди. Хусусан, хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш; хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг барча шакллари, шу жумладан, одам савдоси, жинсий эксплуатация ҳамда эксплуатациянинг бошқа шакллари тугатиш; эрта никоҳлар ва зўрлаб никоҳлашни тугатиш; хотин-қизлар сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг барча босқичларида ҳар томонлама иштирок этишларини ҳамда қарор қабул қилишда етакчилик қилишлари учун тенг имкониятларни таъминлаш; репродуктив саломатликни асраш соҳасида умумқамровли тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш учун соғлиқни сақлаш хизматларидан умумий фойдаланишни таъминлаш ва бошқа вазифалар белгиланди.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида Олий Мажлис Сенати томонидан 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси тасдиқланди.

Шунингдек, қонун ҳужжатларининг мажбурий гендер-ҳуқуқий экспертизаси

жорий қилинди. Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш ва мустақамлаш учун 2021 йил 14 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси ташкил этилди. Оғир ижтимоий вазиятга тушган хотин-қизларга, шу жумладан, ногиронларга, ногиронлиги бўлган фарзандларини тарбиялаётган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож хотин-қизларга уй-жойларнинг бошланғич бадалини тўлаб бериш, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг соғлиғи-

ошириш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқдаки, бу Янги Ўзбекистон келажиги унинг учун муҳим жамият аъзоларига қанчалик боғлиқ экани яна бир бор тасдиқлайди. Шу билан бирга, аёлларнинг саломатлиги масаласига давлатимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг сабаби, жамиятнинг соғломлиги, аввало, хотин-қизларнинг қанчалик соғлом экани билан изоҳланади. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, “...она ва бола соғлиғига эътибор – жамиятга, келажакка эътибордир”.

Шу мақсадда, 2021 йилдан бошлаб ҳомиладор аёлларга ва 15 ёшгача бўлган болаларга 7 турдаги витамин, болалар учун паразитар касалликларга қарши дори воситаларини бепул тарқатиш тизими йўлга қўйилди. Ушбу тадбирлар давомида 2021 йилда 11 миллион, 2022 йилда 17 миллион нафар аёл камраб олингани таҳсинга сазовор.

Саъй-ҳаракатларнинг давоми сифатида 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришга доир мақсад ва вазифалар назарда тутилди. Хусусан, Тараққиёт стратегиясининг 5 та мақсадида хотин-қизлар масаласига оид вазифалар белгиланган. Хусусан, “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш” деб номланган 69-мақсадида жумладан, жамиятда хотин-қизларга тазйиқ ва зўравонликка нисбатан муросасизлик муҳитини яратиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш назарда тутилган.

Тараққиёт стратегиясини “Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастурининг 221, 232, 253, 254, 307, 308, 338-вазифалари бевосита юқорида қайд этилган мақсадларни рўёбга чиқаришга қаратилган бўлиб, уларни амалга оширишнинг аниқ механизмлари белгилаб берилган.

Жорий йилнинг 4 март куни Президент иштирокидаги хотин-қизлар масалаларига бағишланган видеоселекторда қизлар таълими учун бир қанча имтиёзлар ҳақида сўз юритилиб, янги ўқув йилидан бошлаб магистратурада ўқиётган қизларнинг контракт пули тўлиқ бюджетдан қоплаб берилиши (23 минг нафар қизга 200 миллиард сўм), ҳар йили 50 нафар қизни нуфузли хорижий олийгоҳларга бакалавр ва 10 нафарини магистратурага юбориш, ҳар бир вилоятда эҳтиёжманд оила вакиллари, ота ёки онасини йўқотган 150 нафар қизнинг (жами 2,1 минг нафар) таълим контракт пулини маҳаллий бюджетдан тўлаб бериш, ёш фарзанди бор талаба қизларга масофавий ўқишга шароит яратиш, докторантура йўналишида хотин-қизлар учун ҳар йили камида 300 тадан мақсадли квота ажратиш, ҳар йили хотин-қизлар талаба бўлиши учун квотанинг камида 50 фоизи аниқ фанлар, техника ва ҳуқуқшунослик йўналишлари учун мақсадли ажратилиши; янги ўқув йилидан бошлаб олийгоҳ, техникум ва коллежларда ўқиётган қизларга таълим контрактларини тўлаб бериш учун илк марта 7 йил муддатга фойзсиз кредит бериш жорий қилиниши белгилаб берилгани билан бу борадаги ислохотлар жараёни янада юқори босқичга кўтарилди.

Хулоса қилиб айтганда, жамиятда хотин-қизлар манфаатини ифода этиш, гендер тенглигини таъминлаш, давлат ва жамият муносабатларида аёлларнинг ўрни ва ролини янада ошириш, уларнинг сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий соҳаларда манфаатларини ҳимоя қилиш масаласи Янги Ўзбекистонда Учтинчи Ренессанс авлодини шакллантиришнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади.

**Фозилжон ОТАХОНОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги  
Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти директори,  
юрдик фанлари доктори, профессор



**Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган ислохот ва янгиланишларда асосий эътибор маънавиятни юксалтириш, ватанпарварлик ва миллий руҳни кучайтириш, ислохотларга дахлдорлик ҳиссини оширишга қаратилмоқда. Бир сўз билан айтганда, нсон қадри улуғланаётир. Ҳалол хизмати, саъй-ҳаракати билан юқори натижаларга эришган, Ватанимиз равнақига ҳисса қўшган юртдошларимиз эъзоз топяпти. Уларнинг ютуқлари, матонати ёшларга ибрат қилиб кўрсатилмоқда.**

Ана шундай юртдошларимиздан бири — ўз эътиқоди, тушунчасига мос келмайдиган юмушга зинҳор қўл урмаган, манманлик ва кибр-ҳавони ўзига мутлақо ёт деб билган инсон генерал-лейтенант Баҳодир Матлюбов ҳақида гапирмоқчимиз.

Дунё аҳлига муаллим бўлган, замонавий илм-фаннинг тамал тошини қўйган, соф инсоний маданият таълимоти яратган улуғ алломаларимиз, юртнинг шаъну шавкати юксалтирган жаҳонгирлар, фотиҳларимизни тарбиялаган Ер юзининг сайқали — Самарқанд заминида 1952 йилнинг 10 мартада Аҳмад ота ва Марҳабо ая хонадонидан туғилиб, вояга етган Баҳодир акани ички ишлар органларида хизмат қилган, айна дамда фаолият кўрсатаётган ходим борки, яхши танийди, унинг номини фахр билан тилга олади.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари, Хитой, Туркия каби давлатларда ҳам юксак обрўга эга Баҳодир Аҳмедович одил инсон, меҳрибон падар, оилапарваргина бўлиб қолмай, Она-юрт, Ота макон хавфсизлигини таъминлаш борасида тинимсиз хизмат қилаётган ижодкор ҳамдир. У бутун бир миллат, хусусан, ички ишлар органлари ходимлари фахрланса арзийдиган китоб ёзди. “Ўзбек давлатчилиги тараккиётида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш тизимларининг шаклланиши ҳамда ривожланиши” номи мазкур асарни ўқиган инсон воқеалар ривожининг, айниқса ўтган асрнинг етмишинчи йилларидан бугунги кунгача бўлган даврда Баҳодир Аҳмедович билан ёнма-ён, бир тану-бир жон бўлиб хизмат қилганлар, мустикаликни ҳимоя қилишда ҳалок бўлган мард, жасур ўғлонларимиз, уларнинг ота-онаси олдида бўйин эгиб, иложсиз қолган кунлари кино лентасидек кўз ўнгида гавдаланади.

Баҳодир ака ўзаро суҳбатларда: “Мени тарбиялаган, вояга етказган, туз-насиба берган, ишонч билдирган, ички ишлар органларига етаклаган, халқининг осуда ҳаёти учун хизмат қилган, деб дуолар айтган отам-онам доимо юрагимда, қалбимнинг тўрида бўлади”, дейди. Ота касбини эгаллаган Баҳодир Аҳмедович 1973 йилнинг ноябрь ойидан Самарқанд шаҳар ИИБ жиноят қидирув бўлинмасининг инспектори лавозимида фаолиятини бошлайди. 1975-1976 йилларида армияда хизмат қилади. Бу давр Баҳодирни анча чиниктирди. Армия сафидан қайтгач, аввал Самарқанд шаҳар ИИБда, сўнг Сиёб тумани ИИБ бўлинмасида инспектор, катта инспектор лавозимларида хизмат қилган.

1978-1985 йилларда Самарқанд вилояти жиноят қидирув бўлими бошлиғининг ўринбосари, 1985-1989 йилларда Сиёб тумани ИИБ бошлиғи лавозимида самарали фаолият олиб борган.

Хизматни оддий тезкор ходим вази-

фасидан бошлаб, турли масъулиятли лавозимларда Ватанимизга садоқат билан, ҳалол ва виждонан хизмат қилиб ўзини кўрсатди. Туман ИИБ бошлиғи, Самарқанд вилояти ИИБ бошлиғининг ўринбосари, Самарқанд шаҳар, Бухоро вилояти ИИБ бошлиғи, Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, Давлат Божхона қўмитаси раиси, Ўзбекистоннинг иккинчи Ички ишлар вазири лавозимларида фаолият кўрсатиб, ўз касбининг фидойиси, жонкуяри бўлгани боис оддий лейтенант унвонидан генерал-лейтенантгача бўлган олий

тоифадаги махсус унвонларга сазовор бўлди. Бундай ибратли ҳаёт ва хизмат йўли ёшларимиз учун ёрқин ибрат мактаби вазифасини ўтаётгани, шубҳасиз. Зеро, Мавлоно Румий ҳазратлари ёзганидек: “Менга ақл ўргатувчи инсонлар эмас, ўз ҳаётий фаолиятида ибрат бўлган инсонлар керак”. Генерал-лейтенант Баҳодир Аҳмедович айнан ана шундай ибрат кўрсата олганлар сирасига қиради.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Ички ишлар вазири Зокиржон Алматов Ички ишлар вазирлиги Академиясида ўтказган маънавий-маърифий тадбирларнинг бирида Баҳодир Аҳмедовичга нисбатан айтган сўзлари хотирамизда жонланади: “Бизни Ватанга меҳр ва ўз халқига фарзандлик туйғуси руҳан бирлаштириб турарди. Бу бизни жипслаштирувчи дилимиздаги маънавий кўприк эди. Айтиш жоизки, бошимиздан ўтганларни “битта ўзимиз” биламиз. Ҳеч кимга ҳасрат қилмасдан яшашни ҳаётимиз тамойили, деб билдик. Ҳаётнинг иссиқ-совуғига чидадик. Донишмандларимизнинг “фақатгина йиқилгани турғизмоқ учун эгил”, деган сўзларига амал қилдик. Инсонларни кадрлаш ҳаётимиз мезони бўлди”.

Баҳодир аканинг замондошлари уни кўпни кўрган, ҳаётнинг пасту баландларида обдон тобланган, хизмат ўташнинг сир-асрорларини чуқур билган инсон сифатида кўз ўнгимизда шаклланди, деб айтишади. У нафақат раҳбарлик, балки инсонийликка хос бўлган кўп фазилатларни ўзида мужассам этган. Бу унинг инсонлар дардини эшитиш, адолатсизликка қарши курашиш, каби амалларида янада яққол намоён бўлмоқда.

— У киши билан хизмат юзасидан кўп суҳбатлашардик, — деб хотирлайди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, истеъфодаги генерал-майор Қ.Бурҳонов. — Фикрларимиз қўшилиб, салмоқли ва жуда фойдали бўларди. Барча содир этилган жиноят ва қабоҳатларнинг

асосида иймонсизлик, инсофсизлик, илмсизлик, худбинлик, калтафахмлик, тарбиясизлик, бебурдлик, жоҳиллик, аблаҳлик ва виждонсизлик ётади, деб бир тўхтама келардик. Фикрларимиздаги хурфикрлик бизни бир-биримизга ака-ука, қалин дўст, маслақдош,

ди. Биз Сурхондарёдан тўғри Наманган вилоятига жўнаганмиз ва ўша ерда 6 ой иш олиб борганмиз. Бу билан бизнинг соҳа ходимлари юрт осойишталиги учун ўз ҳаловатидан кечиб, кеча-ю кундуз ишлашларини айтиш жоиз. Ўшанда Фарғона водийсидаги криминоген



## ҲАЛОВАТСИЗЛИКДАН

кадрон қилиб қўйди.

Б. Матлюбов раҳбар сифатида мураккаб шароитларни сабот билан енгиб, тўғри қарорлар қабул қилиш қобилиятини ҳаётда исботлаган мард, довюрак, жасур инсон. Республика ички ишлар органлари тизимида салмоқли фаолияти мобайнида миллатимиз тинчлиги, осойишталиги, Ватанимиз равнақи ва саодати йўлида сидқидилдан хизмат қилиб, бугун ҳам бошқарув соҳасидаги бой тажрибасини ёш раҳбар ходимларга сингдириб келмоқда. Баҳодир Матлюбов сиймосида ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари ўзининг катта устозини кўради. У инсон роппа-роса 50 йил тизимда ҳалол ва виждонан хизмат қилди.

Истиклолнинг илк даврида ташкил топган ички ишлар органлари ўтган синовли йиллар давомида машаққатли ва шарафли йўлни босиб ўтиб, халқимизнинг чинакам таянчи ва ҳимоячиси сифатида шаклланишида Б. Матлюбовнинг ҳиссаси катта. У турли мураккаб шароитларни сабот билан енгишда қалбидаги Ватанига, эл-юртига бўлган муҳаббат, садоқат туйғулари энг асосий омил бўлган деб ҳисоблайди.

Баҳодир Матлюбов фаолиятини ўрганиш шундай хулосага олиб келдики, у деряли кабинетда ўтирмади. Ўзини аямади. Қайноқ нукталарда жиноятчиликни фош этишда бош-қош бўлди. Айниқса, 1997 йилларнинг охири, 1998 йилнинг бошлари Намангандаги вазият. “Ўшанда, — деб эслайди истеъфодаги генерал-майор Р. Каримов. — 1997 йил декабрь ойи эди. Сурхондарёда судланувчиларни сақлайдиган жойдан икки киши қочди. Биз бир гуруҳ бўлиб бориб, 3–4 кун ўша ерда ишладик, улар чегарадан ўтиб кетмасиданок ушлашга муваффақ бўлдик. У ишни тугатишимиз билан Наманганда рўй берган мудҳиш қотиллик ҳақида хабар берилди. Давлат автомобиль назоратида ишлайдиган майор Боқижон Убайдуллаевни рафиқаси, болаларининг олдида қийнаб, ўлдириб кетиша-

вазият юзасидан ҳукумат комиссиясининг штабига Б. Матлюбов раҳбарлик қилган эди. Жиноятчиликни очиш учун ҳаловатдан кечиб, кеча-ю кундуз ишлашимиз керак, дея ўзини ҳам, бошқаларни ҳам тинч қўймасди.

1999 йил 16 февралда Тошкентда, 1999 йил 30 март куни Хоразм вилояти Питнак шаҳрининг “Саримой” блок постида юз берган хунрезликларда террорчилар гуруҳини қўлга олиш операциясига ҳам Б. Матлюбов раҳбарлик қилган. 2000 йилда Сурхондарё вилоятининг Сарийосиё ва Узун туманлари, Тошкент вилоятининг Бўстонлик тумани ҳудудларида содир этилган террорчилик ҳаракатлари, 1999 йил 15 ноябрда Янгиобод воқеалари республикадаги криминоген вазиятга таъсирини ўтказмасдан қолмади.

2010 йил июнь ойида Қирғизистоннинг Ўш вилоятида содир этилган хунрезликлар натижасида мамлакатимиз чегараларидан юз мингдан ортиқ ўзбек миллатига мансуб фуқаролар Андижон вилоятига қочиб ўтишади. Ҳукумат комиссияси таркибида, вазир сифатида Баҳодир Аҳмедович ўша пайтда Бош вазир Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида фуқаролар хавфсизлигини таъминлайди. Уларга вақтинча яшашлари учун шароит яратилади ва талафотларсиз ватанларига қайтарилади.

Таъкидлаш жоизки, Баҳодир Матлюбов 1997-2004 йилларда вазирнинг биринчи ўринбосари лавозимида фаолият юритган пайтда вазир Зокиржон Алматов раҳбарлигида ходимларни фидойи, жонкуяр, тартиб-интизомли бўлишни тарғиб қиларди. Дангаса, номига хизматга келиб кетадиган, лаганбардор-лайчаларни, ғийбат қиладиганларни хизматдан четлатиш чоралари кўриларди. Ҳар бир раҳбар шундай касалликка чалинмаслиги учун қатъий огоҳлантириб туриларди.

Б.Матлюбов 2004-2006 йилларда Ўзбекистон Республикаси давлат божхона қўмитаси раиси сифатида самарали фаолият олиб борган. Тизимга



оид ислохотларни амалга оширган, мамлакатимиз миллий манфаатлари, хусусан иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга катта ҳисса қўшган.

Генерал-лейтенант Б.Матлюбов 2006 йилдан 2014 йилгача Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири лавозимида фаолият юритди.

— Матлюбов тизим фахрийларининг бой ҳаёт ва хизмат тажрибаси, профессионал хислатлари, илми, маънавий салоҳиятидан ёш ходимларни тарбиялашнинг энг самарали йўли, деб биларди ва тизимнинг юқори ва куйи бўғин бошлиқларига бу тамойилга амал қилишини қатъий талаб қиларди, — дея эслайди 2006-2017 йилларда ички ишлар вазирининг ўринбосари лавозимида хизмат қилган полковник А. Шодиев.

Б. Матлюбов ўз сафдошлари билан ички ишлар органларидаги муҳитни “юмшатиш”, “илиштириш”, тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, ходимлар ўр-

рилди. Б. Матлюбов биринчи навбатда, ходимларнинг саломатлигига катта эътибор қаратарди. Марказий госпиталда ўта оғир шароитлардаги ходимлар хизмати ва саломатликларини тиклашни кечиктирмаслик мақсадида реабилитация маркази куриб битказилди. Госпиталда хирургия жарроҳлик блоки ташкил қилиниб, хориждан юрак-қон томирларининг интервенцион амалиётини бажаришга мўлжалланган тиббий аппаратлар олиб келинди. Бундай ноёб тиббий аппаратлар ўша пайтда фақатгина академик Воҳидов номидаги ихтисослаштирилган жарроҳлик илмий-амалий тиббиёт марказида мавжуд эди. Бундан ташқари, вазирлик Марказий госпитали диагностика бўлимига 1,5 миллион АҚШ доллари қийматидаги 128 кесимли МРСКТ аппарати хориждан келтирилдики, ундан ҳозирга қадар фойдаланилмоқда. Баҳодир Аҳмедовичнинг хайрли хизматларидан яна бири “Оқтош” болалар оромгоҳини

нинг олдини олиш ва унга қарши курашиш; ёш авлодга таълим-тарбия бериш, ёшларнинг ўсиб улғайиши учун ғамхўрлик қилиш; катта ободончилик, меъморий-бунёдкорлик ишларини амалга ошириш; ҳуқуқшунослик фанини ва илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш; илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш ҳамда иқтидорли ёш олимларни етиштириш борасида қайғуриш; янги авлод дарсликлари, ўқув қўлланмалари, монографиялар ва бошқа адабиётларни тайёрлаш ҳамда нашр эттириш; хизмат жамоасининг маиший турмушини яхшилаш, қўл остидагиларга ғамхўрлик қилиш; ҳар бир ишни адолат мезони билан ҳал этиш, қисқача айтганда, ўзбек халқига, она Ватанига садоқат билан хизмат қилиш йўли деб баҳолашга маънавий ҳаққимиз бор”, дейишади таниқли олимларимиз — юридик фанлар докторлари, профессорлар А. Турсунов, Қ. Абдурашулова ва О. Зокировлар.

Халқимизда “Яхшилар танитар юртнинг номини”, деган гап бор. Генерал-лейтенант Б. Матлюбовнинг “Ўзбек давлатчилиги тараққиётида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш тизимларининг шаклланиши ҳамда ривожланиши” номли китоби 2021 йилда

фикрларни билдиради: “Агарки, ўша йиллардаги (гап ўтган асрнинг 40-80 йиллари ҳақида бормоқда) воқеа-ҳодисаларни ўз кўзи билан кўрган, уларга гувоҳ бўлган одамларнинг сафи бугунги кунда тобора камайиб бораётганини, униб-ўсиб келаётган ёш авлод эса бу тарихдан етарли даражада хабардор эмаслигини инобатга оладиган бўлсак, ушбу китоб ўша суронли йилларнинг энг ишончли ҳужжати сифатида халқимизнинг мустақиллик йўлидаги барча интилиш ва курашларини бор мураккаблиги билан намоён этиши аён бўлади.

Мухтасар айтганда, ҳам сиёсий-иқтисодий, ҳам ғоявий-мафкуравий, ҳам тарихий-маънавий тафаккур ва таҳлил усулларини ўзаро уйғунликда муҳассас этган бу кенг камровли китоб халқимиз ҳаётининг ажралмас қисми — ички ишлар органлари фаолиятига оид жараёнларнинг вақт ўтиши билан унутилиб, йўқолиб кетиши мумкин бўлган саҳифаларини тиклаб, тизим тарихини ҳаққоний асосда яратиш, бугунги ва келгуси авлодларнинг уни ҳар томонлама ўрганиб, англаб етишлари учун мустаҳкам замин яратади. Шу маънода, бу китоб ўтмиш ва келажак, аждодлар ва авлодлар ўртасидаги воқеаларни ришталарини кучайтиришда бебаҳо манба бўлиб хизмат қилади”.

2021 йилнинг май ойида Ички ишлар органлари фахрийлари ва соҳадаги ёшлар етакчилари иштирокида мазкур китобнинг тақдироти бўлиб ўтди. Муаллиф томонидан мазкур китоб ИИБ тизимидаги академик лицей кутубхоналари, Ички ишлар органлари фахрийлари ва вилоят ёшлар етакчилари, фаолларига совға қилинди. Китоб ҳақида ОАВларида муносабатлар билдирилмоқда.

Баҳодир Матлюбов ибратли оила эгаси. Рафиқаси Ноила ая билан тўрт фарзандни иймон-эътиқодли, таълим-тарбияли қилиб вояга етказди. Баҳодир Аҳмедовичнинг оила хусусида айтган сўзлари жуда эътиборли: “Ота-боболарим армоним, буви-оналарим ғурурим, рафиқам Ноила туморим, фарзандларим — Баҳориддин, Нилуфар, Бадриддин, Нигинахонлар орзуларим, набираларим — келажаким тимсолларидир”.

Баҳодир Аҳмедовичнинг ҳаёт йўли қанчалик машаққатли бўлмасин, айтилган пайтда шарафли ҳамдир. Мақолани ўқиган ёшларимиз балки: “Мен ҳам генерал, вазир бўламан, интиламан, Ватанга, халқимга садоқат билан хизмат қиламан ва кўзлаган мақсадимга эришаман”, дея ният қилишар.

Баҳодир Аҳмедовичнинг фидойилиги ва Ватанимизга садоқат билан қилган хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган — I ва II даражали “Шон-шараф”, “Меҳнат шухрати” орденлари ва қатор давлат мукофотлари шулар жумласидандир.

## РОҲАТ ТОПДИ

тасида қонунбузарликларга йўл қўймаслик борасида тинимсиз ишлади. Жамиятдаги қонун бузилиши, адолатсизлик, инсон ҳуқуқларига беписанд муносабат, расмийчилик билан боғлиқ ҳолатларга бепарво қараб тура олмасди. “Адолатсизликни кўриш ва чурқ этмаслик, бу — унда иштирок этмоқ демак” дерди қаҳрамонимиз йиғилишларда. Б. Матлюбов фаолиятида бюрократия, вазифани суиистеъмол қилиш, тамағирлик кўринишларини олдини олиш бўйича тизимли ишлар олиб бориларди. Одамлар сарсон бўлмаслиги учун қабуллар кунини тасдиқланган режа бўйича ўтказилишини назорат қиларди. Шахсий таркиб орасида тушинтириш ишлари олиб бориларди. Ходимлар обрўга билим ва тажриба, тинимсиз ўқиб-ўрганиш, изланиш, янгиликка интилиш ҳисобидан эришиш мумкинлигини шахсий таркибга мунтазам англаштириш вазифа этиб белгиларди.

Баҳодир Матлюбов бошчилигида 2006-2013 йилларда Ички ишлар вазирлиги халқаро миқёсда жинойтчиликка қарши курашиш, унинг олдини олиш борасида Хитой, Россия, АҚШ, Германия, Жанубий Корея, Туркия, Япония, Сингапур, Польша, Исроил, Англия, МДХ давлатлари ҳамда БМТ, ЕХХТ, ЕИХ, Германия техник ҳамкорлик жамияти каби халқаро ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатилди. Шу даврда хорижий давлатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан 572 маротаба жинойтчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида учрашувлар ўтказилди.

— Шу ўринда эслаш жоизки, — дейди ИИБ Марказий госпитали бошлиғи, полковник Ҳ. Усмонов, — 1997 йилда ИИБ Марказий госпиталини қайта таъмирлаш бўйича ИИБда махсус штаб тузилиб, унга вазирнинг биринчи ўринбосари Б. Матлюбов бошчилик қилган. Ўша пайтда госпитал тўлиқ қайтадан таъмирланиб, ҳудуди кўкаламлашти-



Б.А.Матлюбов Самарқанд вилояти ИИБ бошлиғи, генерал Жура Аъзамов иштирокида саф кўригидан сўнг. 1988 йил.

янгитдан қайта куриб, 2013 йил июнь ойида топширилиши бўлди.

Б.Матлюбовнинг Ватанимиз ва халқимизга қилган ҳалол хизмати, кўп йиллик тажрибаси инобатга олиниб, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қарори билан 2016 йилнинг декабрида Ички ишлар вазирлиги Академияси бошлиғи лавозимига тайинланди.

— Ички ишлар вазирлиги тузилмалари ва Академия жамоаси Б. Матлюбов раҳбарлигида амалга оширилган бунёдкорлик ишларини кўриб, у кишининг дид ва савиясини эътироф этади, — дейди кўп йиллар устоз билан бир сафда туриб хизмат қилган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист Алишер Шарафиддинов.

“Б. Матлюбовнинг ҳаёт йўли ИИБ тизимида кўз ўнгимизда, елкама-елка ўтгани боис, у инсонни жинойтчилик-

кўп минг нусхада чоп этилди.

Китоб ҳақида Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, тарих фанлари доктори, профессор Т. Ширинов, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, тарих фанлари доктори, профессор Ж. Исмоилова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, юридик фанлар доктори, профессор Ҳ. Бобоев, тарих фанлари доктори, профессор Б. Ҳасановлар қуйидаги

Бугунги кунда ҳам қаҳрамонимиз халқ ва ёшлар орасида. Ярим асрлик бой хизмат тажрибасини кабинетда ўтириб эмас, аксинча республикамизнинг барча вилоятларида “Янги Ўзбекистон — Янги Ички ишлар органлари” мавзусида уч авлод учрашувларида қатнашиб, кенг жамоатчилик вакиллари, фахрийлар ва ёшлар иштирокида маънавий-маърифий тадбирларни ўтказиб, мамнуният билан таъкидлаш зарур.

**Шариф ҚОБИЛОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
ИИБ Академияси профессори,  
полковник



# “ТЕГИРМОНБОШИ” ТЕГИРМОНЛАРИ ТИКЛАНЯПТИ

**Самарқанднинг Нуробод туманида “Тегирмонбоши” дея аталувчи маҳалла бор. Қадимий Жом қишлоғининг бир қисми бўлган бу гўшада халқимизнинг қадимий удумлари, ўлмас кадриятлари, бугунги янгича турмуш тарзи уйғунлашган.**

Бу маҳалланинг кўхна тарихини Омондара булогидан оқиб келувчи Жом сойдан айро тасаввур этиб бўлмайди. Сой сувидан ота-боболаримиз ўринли фойдаланишган. Ариқлар тоза-озода сақланган. Унинг ифлосланишининг олди олинган. Ўша даврлардаги булоқдан анча узоқда бўлган ариқларлардаги зилолликни қишлоқ аҳли сувни ҳовучлаб ичганидан билиш мумкин.

Тоғлар бағридаги булоқдан оқиб чиқадиган бу сув ҳозирги “Омондара”, “Тегирмонбоши”, “Гирдикўрган” маҳаллаларидан ўтиб куйи Жомга етиб келганида ҳам истеъмолга яроқлилигини йўқотмаган. Кекса ёшдагиларнинг хотирлашича, булоқ сувидан ўша пайтларда 20-30 километр масофага чўзилиб кетган Жом қишлоғининг бутун аҳолиси ичимлик суви сифатида фойдаланишган.

“Тегирмонбоши”да 10 га яқин сув тегирмонлари бўлган. Маҳалланинг бошланишида (ҳозирги 21-мактаб ёни-

да) бир эмас, учта тегирмон ишлагани сабаб қишлоқнинг ўша қисми “Уч тегирмон” деб аталган. Собиқ иттифок даврида бу ном “Ўрта қишлоқ”ка ўзгартирилган. Бугун бу ҳудудда истикомат қилувчи нуронийлар қишлоқни ўз номига қайтариш даври келди деб ўйлашмоқда.

“Тегирмонбоши”нинг географик жойлашуви маҳаллий халқ турмуш тарзига ҳар доим ижобий жиҳатдан таъсир кўрсатган. Омондардан бошланган Жом сойининг қишлоқ бўйлаб оқгани, Жом бозорининг яқинлиги, халқаро автомобиль йўли ва темирйўлнинг ҳудуддан унчалик узоқ бўлмагани тегирмонбошилиқлар имкониятларини тагин ҳам оширган. “Тегирмонбоши”да ўтмишда илм-фан, маданият, маънавият ривожланган. Хунармандчилик, деҳқончилик, савдо алоқаси борасида маҳаллий аҳолининг ўрни ўзгача бўлган. Йиллар мобайнида бундай имко-

нияларга яна бир қанча имкониятлар кўшилаверган, одамларнинг бир қатор узоқ ўлкалар билан борди-келдиси, халқаро автомобиль йўли ва темирйўл туфайли мустақамланган.

— Шонли тарихимиздан ҳамиша фахрланамиз, — дейди 90 ёшдан ошган маҳалла фуқароси Абдуҳолик Шодмонов. — Маҳалламизда ота-боболаримиз аъналарини давом эттириш мақсадида маҳалламизда бир қатор эзгу ишларга қўл уриляпти. Айниқса, сув тегирмонларини тиклаш мақсадида бажарилаётган юмушлар кўпчиликка маъқул. Одамларда Ватанга, юртга меҳр-муҳаббатнинг, эгаллик ҳиссининг қарор топгани аҳамиятлидир. Бундай гўзал туйғулар билан ҳар бир фуқаро қалби лиммо-лим.

Президентимиз таклифи ва ташаббуси билан 2022 йил мамлакатимизда “Инсон кадрини улуглаш ва фаол маҳалла йили” деб эълон қилинган маҳалла тизими ходимлари олдига юксак масъулият юклатди. Маҳалламизда 7 та кўча бор. Биз шу кўчаларнинг ҳар бирига икки нафардан кўча боши сайладик. Бугунги кунда улар ўзларига биркирилган кўчалардаги ободонлаштириш, бунёдкорлик ишла-

рига, ўтказилаётган тўй-маъракаларга бошчилик қилишмоқда.

Айтиш керакки, аслида ободлик маҳалладан бошланади. Шундай бўлиши шарт ҳам. Негаки, узоқ ўтмишга бориб тақаладиган кадриятларимиздан англанадики, эзгу ва улуг ишларнинг барисига доимо оқсоқоллар, эл назаридаги кишилар бошчилик қилишган. Бугун ҳам шундай. Маҳалламизда ҳамма ишларга оқсоқолларимиз бош-қош. Улар бой ҳаётий тажрибаларини аямаган ҳолда ёшларимизни ортларидан эргаштиришмоқда.

Маҳаллада жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, аҳолининг кам таъминланган қатлами ижтимоий ҳимоя қилиш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга ошириляпти. Бу борада тумандаги тегишли сектор ҳамда туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш масалалари бўлими томонидан яқиндан кўмак берилмоқда.

**Ўқтам САТТОРОВ,**  
Нуробод туманидаги  
“Тегирмонбоши” маҳалла  
фуқаролар йиғини  
раиси

Мулоҳаза

## ЎРГАТИШНИ БИЛМАСАНГИЗ, МАЛОМАТ ҚИЛМАНГ...

Ҳаётимизни интернетсиз тасаввур қилиш қийин.

Бир кун ундан фойдаланмасак, ўзимизни замондан ортда қолгандек ҳис қиламиз. Аммо интернетдан фойдаланишни биламизми? Ўйлашимча, йўқ.

Бир ўртоғимнинг ота-онаси Туркияда. Бола-чақам, уй-рўзгорим деб топганини оиласига жўнатади. Яқинда усталар эски уйини таъмирлаш ишларини бошлади. Ўртоғим қутилмаганда Россияга жўнаб кетди. Албатта, пул топиш учун. Аммо ота-онаси Туркияда ишлаётгани учун унинг бу ҳаракати мени ҳайратлантирди. Вокелнинг асл моҳияти ҳафта ўтмай аниқ бўлди. Маълум бўлишича, дўстим ота-онаси уй-жой қуриш харажатларига, деб юборган 1000 доллар пулни интернетдаги тотализаторда ютқазиб қўйган.

Тўғриси, бундай ўйинлар ортидан бойиб кетган бирон киши ҳақида маълумот йўқ. Аксинча, бу ўйинлар домига илинганларнинг кўпчилиги “ботқоққа ботган”. Охирги пайтда ижтимоий тармоқларда шунга ўхшаган ўйинларни реклама қилиш кўпайиб кетган. Албатта, бу ўйинларнинг зарари ва унинг аяқчиликларини билмаган ёшлар меҳнат қилмай осон пул топишга қизиқиб, “қимор” домига илинмоқда.

Маълумотларга кўра, Ўзбекистонда сўнгги 15 йил ичида биронта ҳам террористик ҳужум амалга оширилмаган. Бироқ интернет сабабли мамлакатга радикал ғоялар кириб келяпти. Унинг тарғиботчиси эса асосан ёшлар бўлмоқда. Масалан, яқинда 17 ёшли ўсмир йигит телефони орқали диний мазмундаги материалларни оммага тарқатиб келганлиги аниқланди. У турли сайтлардаги террорчилик ташкилотларнинг медиа гуруҳлари томонидан диний ақидапарастлик ва экстремистик ғоялар билан йўғрилган видеороликлар ва маърузалар-

ни тинглаб, ижтимоий тармоқларга жойлаган ҳамда террорчилик ташкилотлари сафига кўшилиб, уларни қўллаб-қувватлаб келган. Шунингдек, ёнига ҳамтовоқлар йиғиб, уларни террорчилик ташкилотларига кўшилишга ундаган.

Албатта, унга нисбатан қонуний чора кўрилди. Аммо ҳолат шундай тус олишига, ён-атрофдагилар, барчамиз бирдек масъул эмасмизми?

Интернетда фойдали ахборотлар билан бирга турган-битгани зарар маълумотлар ҳам кўп. Бироқ уларни ажратишда ким ёшларга устозлик қилади? Виртуал оламда нима яхшию нима ёмонлигини уларга ким тушунтиради?

Дарвоқе, яқинда Покистонда Тик Ток сабабли жиноятчилик ва гиёҳвандлик моддалари истеъмоли ошиб бораётганлиги сабабли бу илова блокланди. Мамлакатимизда ҳам Twitter, “ВКонтакте” ва Тик Ток иловаларининг блокланганлиги ҳақида хабар тарқалди. Лекин фақат чеклов билан қутилган натижага эришиб бўлармикан?

Интернетда ўқигандим, Жанубий Кореяда ахборот технологиялари барча фуқароларга бепул тарзда ўқитилар экан. Шу боис, бугун улар бу соҳада кўпгина давлатлар билан рақобатлаша оларкан. Асосийси, улар кундалик ҳаётда деярли барча ишларини электрон тарзда амалга оширишга одатланишибди.

Айтмоқчи бўлганим, интернетдан фойдаланишни аввал ёши катталар ўрганиб олгани маъқулмикан. Балки, шунда улар фарзанди ва яқинларига виртуал оламда тўғри ҳаракат қилиш кўникмаси шаклланишида ёрдам берармиди?!

**Фазлиддин РЎЗИБОЕВ**

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва оммавий касбларга тайёрлашни сифат жиҳатдан яхшилашда Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти ўқув спорт-техника клубларининг роли катта. Бу борада Бекобод туманида сезиларли ишлар амалга ошириляпти.

## “ВАТАНПАРВАР” ТАШКИЛОТИ “УЙҚУ”ДА ЭМАС

“Ватанпарвар” ташкилоти ўқув спорт-техника клуби “Оммавий техник касб мутахассисликлари”ни тайёрлаш йўналиши бўйича изчил иш олиб бориб, биргина ўтган 2021 йилда 811 нафар малакали ҳайдовчиларни тайёрлашга эришди. Айни пайтда мазкур клубда “В” тоифали, “ВС” тоифали, “В” тоифадан “С” тоифага ҳамда “D” тоифали ҳайдовчиларни тайёрлаш ўқув курслари йўлга қўйилган.

Айтиш жоизки, ўтган йили “Ёшлар дафтари”га киритилган 33 нафар ёшлар ҳайдовчилик ўқув курсларида ўқитилиб, ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлди. Ана шу мутахассисларни тайёрлашда ташкилотга малакали, тажрибали уста ва мураббийларнинг жалб этилгани эътиборга моликдир. Бу борада туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда иш олиб бораётгани яхши самара келтирмоқда. Ушбу марказ орқали ташкилотга юборилган 25 нафар ёшлар газ, электр пайвандчиси мутахассислигига ўқитилди ва уларга тегишли сертификатлар берилди.

Айни чоғда “Гилдиракли трактор” йўналиши бўйича 20 нафар фуқаролар ўқув курсларига жалб этилган. Ўтган йили тумanning Найман маҳалласида жойлашган 44 – умумтаълим мактабига қарашли фойдаланилмаётган ўқув биноси электрон аукцион орқали ижарага олиниб, филиал ташкилот этилди. Ташкилот мутахассисларининг ташаббуси билан ўқув биноси ҳашар йўли билан таъмирланиб фойдаланишга топширилди. Ушбу филиалнинг очилиши натижа-сида қўшимча иш ўринлари яратилди.

Ҳозирда ташкилотда ўттизга яқин ишчи ходимлар меҳнат қилаётган бўлса, айни дамда 12 та ўқув гуруҳлари рўйхати шакллантирилди. Жумладан, ВС тоифаси бўйича 6 та, В тоифаси бўйича 5 та ва В дан С тоифаси бўйича 1 та гуруҳ фаолияти йўлга қўйилиб, малакали мутахассислар мураббийликка жалб этилди.

— Ташкилотимизда ўтган 2021 йилда 1 миллиард 254 миллион 100 минг сўм даромад олиниши кўзда тутилган эди, — дейди ўқув-спорт техника клуби раҳбари Жавлон Тўрабоев. — Амалда эса 1 миллиард 373 миллион 102 минг 400 сўм даромад олишга эришдик. Бу режага нисбатан 109,5 фоизни ташкилот этади. Ташкилотимиз томонидан қўшимча филиал очилиши муносабати билан йил давомида режага нисбатан 105,1 фоизга кўп харажат қилинган. Албатта, бу харажатлар очилган филиалимиз томонидан қоплаб берилади, деган умиддаман.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ташкилот томонидан ўтказилаётган маънавий-маърифий ҳамда спорт тадбирларига зарур маблағлар сарфланмоқда. Бу борада мактаблар, олий ўқув юртлари ҳамда 9226 – ҳарбий қисмда спорт мусобақалари, учрашувлар ўтказилди.

Албатта, ўтказилаётган тадбирлар ўқув спорт-техника клуби томонидан ёшларни оммавий касбларга тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади.

**Ашуралли БОЙМУРОД**





**Муассислар:**

Ўзбекистон Республикаси  
Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.

Бош муҳаррир  
**Максуд ЖОНИХОНОВ**

Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.  
“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Манзил:  
Буюк Турон кўчаси 41.  
Буюртма рақами Г-308  
Адади: 1507.  
Пайшанба куни чиқади.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.  
Баҳоси келишилган нархда.  
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида  
2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Навбатчи:  
Муроджон РАҲМАТОВ

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

100000, Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32.  
Маълумот учун телефонлар:  
(71) 233-72-77,  
233-91-55

Реклама ва эълонлар учун:  
Электрон почта:  
jamiyat@umail.uz  
Газета индекси — 131  
“ЖАМИЯТ” дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.  
Топширилган вақти:  
20:00

1 2 3 4 5 6

**“ФАН ЛАШКАРИДА ОДДИЙ АСКАР ЎРНИДАМАН”**

Статистика фани бўйича мактаб яратган иқтисодчи олим Ёрқин Абдуллаевдан сўрадик: — Устоз, Республика фан арбоби унвонига сазовор бўлгансиз, бир неча юзлаб шогирдларингиз бор. Нега охириги сайловда Фанлар академиясига ҳужжат топширмадингиз? Академик бўлмасангиз, ким академик бўлади?

— Эҳ-ҳе! Академиклар кимлар биласизми? Фан соҳасида оламшумул янгилик яратган, чинакам аллома даражасига кўтарилган инсонлар. Мен ўзимни ундай ҳисобламайман. Ёшим 80 га қараб кетаётган бўлса, Таъбир жоиз бўлса, фан лашкарида оддий аскар ўрнидаман.

Қаранг, домланинг бунчалик камтарлигига тан бермай иложингиз йўқ. Ахир докторлик диссертациясини ёқлагандан сўнг навбатдаги чўкки — академикликка ўзини ураётган олимлар қанчадан-қанча. Ёрқин ака ижодий маррани баланд олган. Осойишталикнинг 99 қиррасига бағишлаб туркум китоблар яратишга киришган. Бош китоб билан жами 100 та жилд бўлади. Ушбу силсиланинг ҳозиргача чоп этилган қисмини ўқисангиз, гиж-гиж ҳикмат, турмуш тилсимларидан иборат.

Ахир башариятнинг энг олий орзуси нима? Албатта, осойишта ҳаёт кечириш. Агар шу шароит бўлса, жамики бунёдкорлик, эзгулик кўз олдимизда намоен бўлади. Муаллифнинг публицистикага онд бу китоблари моҳиятан тарбиявий аҳамият касб этади. Ўткир Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари” китоби билан танишсиз, албатта. Ёрқин аканинг ана шу китоблари ҳам дунёнинг ишларига иқтисодчи олимнинг қарашларидан иборат.

Илм, зиёнинг қадрига етadиган бирор инсон шу китобни кўриб қолса, оҳанграбо каби мафтун бўлади. Турмуш кечириш давомида нимаики савол тутилса, ҳаммасига жавобни шу китобдан оласиз. Битта қисмини ўқисангиз, кейинчалик яна ўқишга тушасиз.

Китобнинг тили содда, халқона. Энди мавзуга кириб борганингизда муаллиф сизга бир ҳикоят ёки ривоятни келтиради. Ажиб бир қизиқиш, ташналик билан ўқишга тушасиз. Китобда бир фикр юз фикрни етаклаб келтиради. Жанр ранг-баранглигини айтмайсизми?! Доно ҳикматлар, пурмаъно ғазаллар, ширин суҳбатлар, ажиб хангомалар унда мужжасам. Муаллиф бамисоли хазинадон каби ҳар мавзуда ўз захирасида асраган теша тегмаган гаплар-

ни келтиради. Китобни қадрлайдиган бир ижодкор яхши маънода “Бу китобни ўқиб ўзлимни унутдим” деса бўладими?

Беихтиёр ўйга чўмаман: агар шу китоблар интеллектуал хислатлар қадрланадиган юртда бўлса, бир лаҳзада харидорини топарди. Шундай ажойиб китобларни ёзган табаррук инсон “Сизга шу китоб керакми?” деб ёлвориб юришини ўйласак, бизда китоб муносиб эъозланиши учун хали кўп қовун пишиги бор, деган ҳаёлга борамиз. Эй юртимизнинг бойваччалари! Чинакам хазинага тенг шу китобларга буюртма беринг. Ундан олинажак савобнинг саногига етолмайсиз.

Ёрқин ака даврий матбуот нашрларини синчиклаб кузатиб боради. У газета қайси микёсда бўлмасин, хоҳ вилоят, хоҳ туман даражасида, ба-рибир алоҳида эътибор билан танишиб чиқади. Гўё олтин зарралари тонналаб рудалар ичидан саралаб олингани каби.

Домла яратган жилд-жилд китоблар истисносиз ҳар қандай касб соҳибини қизиқтиради. Ҳаётнинг турфа хил манзараларини кузатиб ундан фалсафий хулоса қилган муаллиф чин маънода психолог даражасига кўтарилган. Буни талабалардан имтиҳон олиш пайтида кўрса бўлади. Ёрқин Абдуллаевга имтиҳон топширишга келган талаба қанча китоб



**Фоний дунё, боқий наво...**

Алишер Навоий – мутафаккирлар имоми, зоҳидлар зухди, сўзи азиз, амаллари маҳфуз, тавозе ва камтарлик нишони... Ҳазрат Навоий қолдирган илмий, адабий ва бунёдкорлик ишлари бекиёс, таҳсинга сазовор. Унинг руҳий олами, ҳаёт йўли ҳақида кўплаб ёзувчи-шоир, олимлар асарлар ёзиб қолдирган.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Исажон Султоннинг “Алишер Навоий” романи ҳам шулар жумаласидан. Асар гўзал композицион тузилиш, воқеликлар изчиллигига эга бўлиб, Ҳазрат сиймосининг болалик давридан то қариллик чоғигача бўлган даврни “Хазоин ул-маоний” даги каби тўрт қисмга бўлади. Роман мумтоз адабиёт аъналарига содик ҳамд билан бошланади.

Булар “Ғаройиб ус-сиғар” болалик чоғи, “Наводир уш-шабоб” ёшлик шавқи, “Бадойи ул-васат” ўрта ёшдаги комиллиги, “Фавойид ул-кибар” қариллик фойдаси. Шундан кўриниб турибдики, Алишер Навоийнинг ўз асарида тасниф қилганидек умр фасллари Исажон Султон романига мукамал режа вазифасини ўтаган. Асар буюк келажак эгасининг тоғаси билан овга чиқиши, кушни чўчитиб юбориб, тоғасининг ҳазил тарикасидаги ранжишидан мириқиб кулади.

Ҳиротда хурсандчилик “Қаъбапуш”ни ёпиш Шохруҳ Мирзога муяссар бўлган эди. Навоий, аввало, Аллоҳнинг инояти ва оиласидаги тез-тез ўтказилиб туриладиган кечалар таъсирида улғайди. Тоғалари Мирсаид Кобулий ва Мухаммад Алилар назми не сувувчи, хушқачқак энг асосийси жиянининг фавқуллода эстеъдодини сезишган. Хушсуҳбат тоғаси Мухаммад Али билан овдан қайтиш чоғи Алишер завқига завқ кўшиб “Тангри муни кўз қувнаб, дил баҳра олсин деб яратибди. Бул тухум эди лола бўлди. Чечакка “Аллоҳ” дегил десам, гул очиб юборди”, ҳаёл гулшанига яна гул сепарди. Ўша даврда туркий шеърят султони Лутфий ёнига ҳам тоғаси олиб боради. Лутфийдек улуғ шоир эътирофи ва дуойи мустажабига муяссар бўлади. Бу эса янги туркий абёт туғдори кашф бўлаётгани хуш хабари Ҳирот бўйлаб қанот қоқади. Сўнгра Шохруҳ Мирзонинг ўлими, замон нотинчликлари натижасида юртдан кетиши, Ша-

рафиддин Али Яздийни учратиши, Тафт чўлида адашиб қолиши бошқа асарларда ҳам учрайди. Лекин бу ҳодисалар кичик Алишер хотирасида бўлгуси ашъорларининг ачитқисидек ёдида қолиши Исажон Султоннинг маҳорати эвазига ўқувчига аниқроқ ёзилган назаримда.

Мақта:

*Қоши олинда Навоий берса жон, айб этмангиз, Гар будур меҳроб, бир-бир қўйгусида барча бош.*

Абу Саид Мирзо асардаги ўрни барча Темурий шаҳзодалар каби Хуросон ва Мовароуннахрни бирлаштиришга ҳаракат қилади. Бу мақсади йўлида анчайин золимликларга йўл қўяди. Навоийнинг йигитлик чоғига тўғри келган бу давр тақозоси икки дўст йўли айри тушади. Тақдир

**Мутолаа**

гуногунлиги, чархи кажрафтор фалак иши билан черикка қўшилиб Самарқандга келади. Самарқандда кўп қийинчиликларни бошдан ўтказган ёш шоир устози ва пири Жомийга хат ёзади. Жомий суюкли шогирди қийин аҳволдалигини билиб, Самарқандга хат йўллади. Доруға Аҳмад Ҳожибек ва Фазлуллоҳ Абулайс Самарқандий Алишер Навоийни ўз ҳомийликларига олишади. Шунинг самараси мутафаккир ҳаёлида Самарқанд фақатгина қора кунлари билан ёдда қолмайди. Балки илм олишда умрининг муҳим бир бўлаги бўлиб қолади. Умаршайх Мирзо Ҳиротни эгаллагач, Аҳмад Ҳожибекка Алишер Навоийни бешикаст Ҳиротга жўнатиб юборишини сўраб нома ёзади. Бундан аввалроқ Навоий хабар топгандики, тоғалари катл этилган, отасининг ҳам ўлимидан сўнг, ўғил соғинчи устига-устак бу ташвишлар қўшилиб жойнамоз устига ҳаққа омонат жонини топширганини билган эди. У сиртдан фарёд чекмаса ҳам:

ўқиганини, улардан нималарни билишини устоз бир-икки савол орқали аниқлайди.

Олимнинг статистика оламидаги изланишлари ўзи бир дунё. Четдан қараганда рақамлар билан муомала қилиш зерикарли машғулотга ўхшайди. Устоз эса ҳар бир рақам замиридаги сеҳр ва тилсимни кашф этиб, бу борада янги олам дунёсини яратади.

Ҳаётда икки хил олим бўларкан. Бир тоифаси фақат илм билан шуғулланиб, ўзга олам билан қизиқмас экан. Яна бир тоифадагилар ўзи ўрганган хулосани ёшларга ўргатиш, ўқитиш билан шуғулланар экан. Ёрқин Абдуллаев ана шу иккинчи тоифадаги олимлардан бўлиб, унинг ўзига хос талаби бўлар экан. Яни ниманидир бировга ўргатиш учун аввал уни ўзинг яхши англашинг керак, деган талаби бор. Эҳтимол, бунинг учун икки ҳисса кўп иш ҳақи олмас, лекин савоб ишлари икки баробар кўпаяр экан.

Ёрқин акани ҳар кўрганимизда “Домла дунёда нима янгилик?” деб сўраймиз. У киши ҳар сафар илм-фан оламида қандай кашфиётлар содир бўлганини гапириб беради. Бундан биламизки, домла атрофда рўй бераётган воқеаларни ажиб синчковлик билан кузатади, ўз ҳаёлида ҳисобга олиб боради. Илм ривожини учун жон куйдирадиган инсонлар шундай жонқуяр бўлади. Ҳамма нарса аниқ, ёрқин бўлишини истайди бу зот. Ўз исмига мос.

Бир куни Ёрқин ака қизиқ гапни айтиб қолди. У кишининг ўқитишича, китобларнинг бирида ёшлик даврида тушган расм, яна бошқа варағида ёши улғайганда тушган расмларни кўрсатиб, “Мана бу бозорга борилаётганда туширилган, мана буниси эса бозордан қайтаётганда туширилган” деб шарҳлади. Биз эса устозга айтаемиз: асло ундай эмас, сиз ҳамон фан оламининг кўзга кўринган жойидасиз. Ҳамон назардасиз. Ҳали сиз тақдим этажак ечимлар фанимизга кўп хизмат қилади. Бунинг учун сиз соғ ва омон бўлинг. Шогирдларингиз истаги шун.

**Шухрат ЖАББОРОВ,**  
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

**Ёлдор АБДУЛЛАЕВ,**  
ЎзЖОКУ талабаси



## ...Муқаддассан, муқаддас аёл

Опамнинг турмуши яхши бўлмади. Поччамиз топарман-тутарман бўлиб кетди-ю рўзгорнинг эркаклар зиммасидаги ишлари ҳам опамнинг бўйнига қолиб кетди. Янги иморат тиклаш учун олиб келинган тахта-ёғочларни ўзи ташиди, сўлакмондай кайноғая уларнинг жиянларига бир оғиз илтимос қилмасдан бетон кориди, лой тепди. Булардан ортиб азондан тамаки чопикқа, сигир-бузукқа, ҳовли томоркага қаради. Кечагина ҳусни жамолига ой ҳавас қилган опам бир йилдаёқ касалманд бўлди. Йўқ, у ишдан қочмади. Шу ишларни деб мажрух бўлган корнидаги боласидан айрилгани учун ўтинга айланди. Шифокорлар она вужудидан ўлик жуссани олишаркан, ўлиб кетсин шу қурилиш, сиздан бошқа одам қуриб қолганмиди, дея поччамизга теккизиб гапиришганида куёвимиз кайнотанинг, яъни дадамнинг хурмати учун бўлса

хам айб менда, кечиринлар, демади.

Опамнинг бундай ҳолатга тушганидан сил-зардоб бўлган дадамни овутиш мушкул эди. Аммо шундаям опам бечора ўзининг аҳволи не куйда-ю, яна дадамни тинчлантириш билан банд бўлди.

Бошқа фарзанд кўриш насиб этмади опамга. Мен у пайти бола эдим. Тамакининг аччиқ меҳнатию жаҳаннам азобларига дош беролмай ўзига ўт қўётган аёллар кўпайиб бораётган бундай пайтда опамнинг тақдири замона зайлига кўра у қадар аянчли ҳисобланмас эди. Аммо, ҳой яхшилар, биродарлар, шу мунис аёлларнинг аянчли тақдиридан тоғдек кўнгиллардан ҳам кум тўкилаётган эди.

Опам бечора оиламиз шаънини асраш учун эри тарафдаги одамларнинг дашномларига ҳам, дадамнинг мунгли нигоҳларига ҳам дош беришга интиларди. Чунки унинг тарбияси бошқача бўлишига йўл қўймас эди.

Йиллар ўтаверди. Поччамиз иморат-

ларни кураверди. Битта ҳам фарзанди бўлмаса-да қарсиллатиб уй тиклайверди. Дадам опамдан эринг яна уйланмоқчи шекилли деб сўрасалар, йўқ, нималар деяпсиз, менинг у уйдан ўлигим чикмай бундай гап бўлмайди, дея эътироз билдирарди. Чиндан ҳам уларнинг оиласида анча вақт ўзгариш кузатилмади.

Шундай кунларнинг бирида опам уйга келиб, дадам билан тонготар суҳбатлашди. Нима ҳақда гаплашганини кейинроқ билдик. Унгача биз ўйладикки, поччамиз уйланмоқчи, опам эса бунинг учун дадамга шикоят қилиб, бунга йўл қўйманг, дегани келган деб. Қанийди шундай бўлса.

Гап шундаки, опам ўз устига кундош олиш учун дадамни кўндиргани келган экан! Кўндирибдям.

Хонадонга янги жувон келгач, дадам мени опамнинг уйларига қўйиб келди. Ойлаб юрардим уларниқанда. Шунча юрардиму опамнинг ранжиганини кўрмасдим. Опамнинг кундоши олдин-кейин қилиб учта фарзанд туғди.

Улар улғайиб опамни катта оғи дейишар, мени эса тоға дейишарди. Дадам келсалар, бобожон деб бўйинларига осилгани осилган эди. Болажонларнинг бундай беғуборлиги ўртадаги ҳамма кўнгилсизликларни чилпарчин қилди.

Шу тарзда ҳаммаси изга тушиб кетди, деганимизда опажоним қирқ ёшларида бу фоний дунёни тарк этди. Сўнгги нафасларида мени сўраган эканлар, етолмадим. Борганимда эса у кишининг табассум аримаган, айна пайтда энди ҳеч қачон қон югурмайдиган юзларига қараб чўккалаб қолдим.

Орадан йиллар ўтиб билдикки, поччамни иморат қуришга мажбурлаган ҳам, яна уйланишга ундаган ҳам опам экан. Ана шу ҳақда ўйларканман, Абдулла Орифнинг:

*Шундайлар бўлмаса агар  
дунёда,  
Бу қадар муҳтарам бўлмасди  
аёл,*

деган сатрлари хаёлимда айланавиради.

Бу ўткинчи дунёда борига қаноат қилиб, йўқни билдирмаган, уйда етишмовчилик пайдо бўлса, эрига асло зарда қилмаган, зарда қилиш у ёқда турсин, тик қарамаган, 9 нафар фарзандни ок ювиб, ок тараб, иймонли-эътиқодли қилиб ўстирган, бугунги кунга келиб пиру бадавлат бўлиб хонадон файзига файз қўшаётган онахон — Кибриёхон янгамиз мен учун онамдек азиз.

Оналарни фариштага қиёслаймиз. Мен баъзан фаришта одам қиёфасига кирса, шу янгамизга — тоғамнинг аёлларига ўхшаб кетса керак, деб ўйлаб қоламан. Умирида бировга қаттиқ гапирмаган, уйдаги ғурбату можарони кўчада шаллақилик билан овоза қиладиганлардан нафратланадиган бундай аёлларнинг борига шукур.

Оиланинг катта ўғли ҳарбий хизматни ўташ учун Афғонистонга юборилди. Ана ўшанда онаизорнинг сочлари буткул оқариб кетди. Ахир, ким ҳам дилбанди ўт-олов ичида юрса хотиржам бўлади?! Аммо янгамиз дардини дoston қилмади. Аллоҳдан кеча-ю кундуз фарзандининг соғ-саломат қайтишини сўраб илтижолар қилди. Гўдаклигида унга аллалар айтиб, тонг оттирган бўлса, энди туну кунни фарқламай қолди: Ўғлим омон бўлсин, деб дуолар қилишдан тинмади. Ҳасадни, кибрни, ғийбатни билмаган мушфик онанинг дуолари қалбидай мусаффо эканки, нолалар Яратганга етиб борди. Суннатилло ака ажал комидан тўрт мучаси бус-бутун қайтиб келди. Элга хизмат қиладиган тадбиркор бўлди. Жарақ-жарақ пул топадиган бўлди, бироқ шунда ҳам хайру саховатни унутмади. Топганига

барака кирди, лекин бундан ўзини йўқотмади, намозгани қанда қилмади. Бойлиги билан эмас, одамийлиги билан маҳалла-куйда обрў-эътибор топди. Бу мартабага Суннатилло ака қандай эришди? Гап шундаки, она дуоси уни нафақат балолардан қайтарди, шу билан бирга бошлаган ишига файзу барака инадиган даражага етказди. Оналарнинг дуоси шунақа: кескир қиличнинг дамини қайтаради, занг босган пичоқни олтинга айлантиради.

Бола эдим. Онам хасталаниб қолдилар. Жиддий касалликка йўлиқиб, уч ой касалхонада ётдилар. Мен эса 2 ёшли синглимни кўтариб қариндошларниқанда юрдим. Синглим инграса, мен дод дердим. Синглим йиғласа, кўз ёш менинг кўзимдан оқарди. Уни еру кўкка ишонмасдим. Ана шундай кунларда биздан меҳрини аямаган инсонлардан бири ҳам шу янгамиз эди.

Бир куни синглимга овқат едираётганимда, ноҳос коса кўлимдан тушиб кетди. Овқат чиройли кўрпачага тўкилди. Буни биров кўрмасин, янгамиз уришмасин, дедим-у, синглимни кўтариб бошқа қариндошимизниқига “кўчиб ўтдим”. Кийимларига синчиклаб қарсам, жемфирчаси қолиб кетибди синглимнинг. Уни ухлатдим-да, жемфирини олиб келиш учун янгамизнинг уйларига йўл олдим. Дарвозага яқинлашсам, аёл кишининг йиғлагани кулоғимга чалинди. Дарвоза тирқишидан разм солсам, янгамиз бир қўшни аёлга онамнинг хасталиқдан азият чекаётганини,

бу ёқда бизнинг аҳволимиз ҳақида гапириб бераётган экан. Янгамиз кўрпачага тўкилган овқату бундан кўриб бошқа жойга кетганимни айтиб, хўнг-хўнг йиғларди. Нахотки, шу арзимас нарса учун уларни койисам, деб қўярди. Мен синглимнинг кийимини олиш фурсати ҳали келмаганини ҳис қилиб, ортга қайтаётган эдим ҳамки, янгамизнинг илтижоларини эшитиб, жойимда қотиб қолдим.

– Илоҳим, — дердилар янгамиз, — шу гўдақлар бахтига онаси тузалиб кетсин. Синглисини кўтариб, унга меҳр бериб юрган йигитча пиру бадавлат бўлсин.

Мансабу амални кўя турайлик, соғ-саломат юрганамиз, тинч-осуда ҳаётимиз, фарзандларимиз, аҳли аёлимиз оқибатидан бахраманд бўлаётганимизнинг ўзи ҳам ана шундай дуолар туфайлидир.

Алпқомат ўғиллар, ойчехра қизлар, бири-биридан оқила келинлар, саноғида адашиб кетиладиган набиралар ардоғида умргузаронлик қилаётган янгамиз яқинда муборак Умра зиёратидан келдилар. Ҳовли қариндош-уруғ, ҳамсоя-халққа тўлиб кетди. Уй бир зумда тўйхонага айланди. Мен ҳам аёлим, фарзандларимни олиб дуо илинжида қайдасан, Навхозота қишлоғи, дея Тайлоқ туманига йўл олдик. Очиғи, ҳозир борсам, роса мақтансалар керак, деган ўй ўтди хаёлимдан. Бироқ, ундай бўлмади. Янгамиз ўзларига ярашган ўша-ўша босиқлик билан муқаддас ўлкаларда кўрган-кечирганларини айтиб берди.

У кишининг хотиржам овозларида шукроналик бор эди, изтиробли кунларда қилинган сабрнинг тантанаси мужассам эди.

Мақсуд ЖОНИХОҲОНОВ